# ЙЎЛНИНГ ҚАЙРИЛИБ ОЛИШ ҚИСМИДАГИ ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Туман ҳокими Марғилон-Ёзёвон йўлидаги қайирилиб олиш жойларини бемаслаҳат ёпилгани учун йўл қурилиши мутасаддиларига танбеҳ берганди.

"Марказий Фарғона" газетаси мухбирлари аҳоли вакиллари томонидан тушган мурожаат бўйича Қатортол ҳамда Ижодкор маҳаллаларидан чиқиб, Ёзёвон тумани маркази томон бурилиш қисмининг бир неча вақтдан буён ёпилгани бўйича журналист суриштируви олиб бориб, танқид қилиб, тегишли мутасаддилар билан муҳокама қилинганлиги ҳақида телеграм каналларда ёзган эдилар.

Бугун ушбу мурожаат ижобий ечим топилишига эришилди.

Бунинг учун халқни ўйлаб, тўсиқларнинг олинишида бош-қош бўлган барча мутасаддиларга раҳмат, деймиз.

"МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА" МУХБИРЛАРИ

2023-05-01 17:08:47